



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№18
2025-yil
7-may, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



9 май — Хоптира ва қадрлаш кун



ХОРАЗМ – ШОНЛИ ТАРИХ ВА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЧОРРАҲАСИ

2024 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 6,4 фоизга ўсди (мамлакат иқтисодиётидаги 6,5 фоизлик ўсиш фонида) ва 51,26 трлн сўмни ташкил қилди. Айни вақтда вилоятнинг доимий аҳолиси сони 2,03 млн. кишидан иборат.

► (Давоми 2-бетда)



ТИНЧЛИК БОР ЖОЙДА ИНСОН ҚАДРИ БЎЛАДИ



Фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага саксон йил тўлди. Вақт югурик, ҳеч кимни аямайди. Худди шундай, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларининг гувоҳи бўлган, эл тинчлиги учун қўлига қурол олиб, жанггоҳга кирган, қолаверса, фронт ортида машаққатли меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган инсонлар сафи тобора камайиб бормоқда. Мудофаа вазирлигининг маълумотига кўра, бугунги кунда юртимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлар 82 нафарни ташкил қилади. Уларнинг энг ёши улуги 114 ёшни қаршилаган.

5

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ




Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар биринчи бўлиб Ҳисоб палатасининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди. Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев сўзга чиқиб, 2024 йил давомида Давлат бюджети ва унинг ижроси, тегишли вазирлик ва идораларда амалга оширилган аудит ҳамда масофавий назоратнинг хавф таҳлил тадбирлари натижалари тўғрисида батафсил ахборот берди.

Ҳисобот билан атрофлича танишиб чиққан депутатлар қизгин муҳокамага киришиб, масъулларга саволлар билан муносабат қилишди. Жумладан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига қўйидагича савол берди. — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг асосий вазифаси аҳолини иш билан банд қилиш ва уларни камбағалликдан чиқаришдан иборат. Аммо берилган маълумотларга кўра, касб-хунар марказларида ўқитилган фуқароларнинг 30 фоизи иш билан таъминланмаган. Сарфланган бюджет маблағлари эса самарасиз кетяпти. Худудлардаги бандлик марказлари режа тўлдириш учун ишлаётганга ўхшайпти. Лекин режани тўлдириш учун маблағ ажратиш эмас, балки аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган, давлат сиёсатида муносиб иш олиб бориш керак. Вазирлик бу каби ҳолатларни ўргаништири, қандай чоралар кўрапти? Бунга жавобан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги вакили қўйидагиларни қайд этди: — 2022-2023 йил ҳамда 2024 йилнинг 6 ойи давомида касб-хунар марказларида ўқитилганларнинг 30 фоизи иш билан таъминланмаганини ўрганганимизда,

аксарияти ошпазлик, қандолатчилик ва тикувчиликка ўқитилган. Уларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашилганда, даромад учун эмас, оиласи, ўзи учун ўргангани ёки айримлари турмушга чиққани, фарзанд тарбияси билан машғул эканлигини айтган. Эндиликда вазирлик томонидан бу тизим бутунлай ангиланди. Яъни, иш берувчининг талабига кўра, иш жойи аниқ бўлгандан кейин ўқитилади. Шу билан бирга, бугунги меҳнат бозорига мос келадиган 12 та касб-хунарларни ўқитиш йўлга қўйилди. Касбга ўқитиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ишлари вазирликнинг назоратида олинди. Муҳокамаларда сиёсий партияларнинг фракциялари аъзолари Ҳисоб палатасининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботиغا ўз муносабатларини, таклифларини билдирди. Муҳокама ва таклиф-тавсиялардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланиб, тегишли қарор қабул қилинди. Шу куни мажлисда аҳолини ва худудларни фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтириш каби масалалар муҳокамадан ўтказилиб, Рақамли технологиялар вазири Ш. Шерматовга "БМТнинг "Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси"да Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш бўйича кўрилатган чоралар тўғрисида", Соғлиқни сақлаш вазири А.Худаяровга "Аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш борасида амалга оширилатган ишлар ҳолати тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

ЭҲТИЁЖМАНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАНЗИЛЛИ БЎЛАДИ



2020 йилга қадар ҳам Ўзбекистонда камбағаллар бор эди. Аммо биз наздимизда бунини тан олмасдик. Аниқроғи, бу ҳақида ҳеч нима билмасдик. Чунки бу очик муҳокама қилинмади, у ҳақида кўп йиллар ёпиқ эшиклар ортида гаплашилди.

► (Давоми 3-бетда)

СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

ХОРАЗМ – ШОНЛИ ТАРИХ ВА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЧОРРАҲАСИ

2024 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 6,4 фоизга ўсди (мамлакат иқтисодиётидаги 6,5 фоизлик ўсиш фонида) ва 51,26 трлн сўмни ташкил қилди. Аини вақтда вилоятнинг доимий аҳолиси сони 2,03 млн. кишидан иборат.

Ушбу кўрсаткичлар бир неча минг йиллик давлатчилик анъаналарига эга бўлган, бой ўтмиши ва маданий мероси билан бутун дунёга маълум ва машҳур Хоразм вилоятига тааллуқли. Бугун ҳудуд ҳаётига назар ташласак, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида ишга туширилган янги объектлар, йирик транспорт инфратузилмаси ва шаҳарсозлик лойиҳаларини кўриб кўз қувнайди.

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбарининг икки кунлик ташрифи ҳам дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган Хоразмни янада ривожлантириб, унинг қадимий шўҳратини тиклаш бўйича катта-катта режа ва мақсадларга қанот бўлди, дейиш мумкин.

Президентимизнинг Хоразмга бу галги ташрифи ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга, аҳоли фаровонлигини ошириш ишларига янги рух, янги суръат бағишлади.

Таҳририятдан.



Раҳимберган ЮСУПОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

- Аввало, таъкидлашим керакки, давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида, учрашувларда айтилган ҳар бир фикр, берилган топшириқ ва тавсиялар замирида инсон манфаати устуворлиги, турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлиқни янада ошириш мақсадлари мужассам бўлди. Президентимиз одамлардан истаклари, ишини

ривожлантириш учун зарур масалалар ҳақида сўради. «Урганч кластер»нинг янги корхоналарида тикувчи хотин-қизлар билан суҳбатлашди, уларнинг ойлик маошлари, меҳнат шароитлари билан қизиқди. Жамоатчилик билан бирга поездда Урганчдан Хивага борди. Хонқа туманидаги “Собиржон Юсуф” оилавий фермер хўжалиги даласида бўлди.

Одамлар билан ҳамнафас бўлишда гап кўп, аслида. Бу халқимизда, ёшларимизда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайди, мақсадлари сари қўркмасдан дадил одимлаши учун руҳлантиради, албатта. Бугун хоразмликлар ана шундай катта руҳ ва кўтаринки кайфиятда.

Маълум бўлишича, вилоятимизга хорижий сайёҳларнинг ташрифи етти-саккиз йил олдинги даврга нисбатан 30 баробар кўпайган. Тизимда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, соҳадаги ўзгаришлар ҳисобига вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 миллион доллардан 2024 йилда 380 миллион долларга етган. Вилоятда сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилган ва уларнинг умумий сони юзтага етган. Эндиликда булар қаторига «Арда Хива» мажмуаси ҳам қўшилди. Унинг очилишида давлатимиз раҳбарининг иштирок этиши биз учун муҳим ва унутилмас воқеа бўлди.

Ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган ушбу маскан ҳудуддаги 25 гектарлик паст унумли, шўрхок майдонда қурилган. Бир пайтлар ғариб ва қаровсиз ерлар ўрнини эндиликда ана шундай мухашам мажмуа эгаллагани барчамизнинг ютуғимиз, албатта.

Мажмуа йилига уч миллион нафар ташриф буюрувчини қабул қилиш имкониятига эга. Бу ерда икки мингдан зиёд киши иш билан таъминланади. Демакки, буларнинг барчаси узққни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётдаги ёрқин ифодаси, деб биламан.

Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда “Хоразм – шонли тарихимиз билан янги ислоҳотларимиз туташган чорраҳа, десак муболаға бўлмайди. Логистика занжирларидан узокда, табиий ресурслари чекланган бу диёрда ўтган йили “Кичик ва ўрта бизнес йили” бўлди, дейиш учун барча асосларимиз бор”, - деди давлатимиз раҳбари.

2024 йили вилоятда 7 минг янги тадбиркор иш бошлади, 47 та корхона кичикдан ўртага ўтди, 10 дан ортиқ тадбиркорнинг айланмаси 200 миллиард сўмдан ошди. Буларнинг ҳисобига вилоятда бир йил ичида 290 минг аҳоли ишли бўлди. Лекин, катта ўзгаришларга қарамасдан вилоятда камбағаллик ҳали ҳам 12 фоиз атрофида, 45 минг фуқаро ишсиз экани, айланмаси 1 триллион сўмдан ошган атиги 1 та корхона борлиги қайд этилди.

Шу боис, вилоят раҳбарияти, 13 та туман ҳокими ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, янги иш ўринлари яратиши, sanoat, сервис, туризм, қишлоқ хўжалиги, экспорт салоҳиятини янада ошириш, ижтимоий соҳа ва инфратузилмадаги муаммоларни ҳал қилиш учун қатъият ва масъулият билан ҳаракат қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда иқтисодий комплекс масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, вилоятимизда 2025 йилда камида 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 60 триллион сўмдан ошириш, ишлаб чиқаришни 6,5 фоиз, савдо ва хизматларни 15 фоизга ўстириш, 265 минг аҳолини банд қилиб, 104 минг одамни камбағалликдан олиб чиқиш асосий вазифа бўлиши белгиланди.

“Энг асосийси, бу ишларнинг натижасини одамлар кундалик ҳаётида ҳис қилиши керак”, - деди Президент.

Йиғилишда қурилиш ва инфратузилма соҳаларидаги вазифалар муҳокама қилинар экан, жорий йилда Хоразмда 12 триллион сўмлик пудрат ишларини бажариш, қурилишда 20 минг нафар аҳолини банд қилиш, 7 минг хонадонли 200 та кўп қаватли уй қуриш, 1,5 минг километр йўл ва 20 та кўприкни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, 80 та автобус олиб келиб, 6 та янги йўналишни ишга тушириш мақсад қилиб олинди.

Шунча имконият, енгиллик аҳолига барқарор даромад манбаини яратишга, иш ўринларининг доимийлиги ва кенгайишига асос бўлишдан очиги, ниҳоятда қувондим.

Умид қиламизки, яхши ният билан бошлаган ишларимиз хайрли бўлади, вазифалар сидқидилдан бажарилади. Мендаги ҳозирги хушқайфият бутун хоразмликлар, бутун халқимизда бор, деб ишонаман. Чунки, ҳар бир ислохот, ҳар бир режа, айнан бизнинг, сизнинг ва халқимизнинг манфаати учун хизмат қилади.



Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси:

— Бугун Янги Ўзбекистон шиддат билан ривожланаётганини, шунга монанд унинг бағридаги ҳар бир ҳудуд ҳам нурли истиқболнинг ойдин йўлига чиқиб олганини ҳар бир ватандошимиз юракдан ҳис қилиб яшамоқда. Ва не бахтки, буни маърифатли дунё ҳам тан олмақда. Марралар, интилишлар, ҳаракатлар ҳам шунга яраша!

Жорий йилнинг 1-2 май кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хоразмга ташрифи давомида бу жараён янада яққол намоён бўлди...

Ташрифнинг биринчи куни Урганч темир йўл вокзалидан электрлаштирилган поезд вагонига Президентимиз билан ҳамроҳликда Хивага йўл олар эканмиз, йўл бўйи нурунийлар билан бўлган мулоқотда давлатимиз раҳбарининг Хоразм элига, унинг шонли тарихи ва буюк аждодларига бўлган чексиз эҳтироми ҳар бир сўзида барқ уриб турганини юракдан ҳис қилдим. 2026 йилдан Тошкент – Хива йўналишида Жалолиддин Манғуберди номидаги тезюрар поезд қатнови йўлга қўйилишини айтганларида эса тафаккуримини ғурур ва ифтихор чулғади.

2023 йилда буюк Жалолиддиннинг маҳобатли ҳайкали “Қорадали” оти билан Урганч шаҳрининг қоқ марказида қад ростлаган эди. Энди учқур қанот поезд номи билан Хоразмга қайтмоқда. Бу орқали халқимизнинг оғир, оғриқли тарихи билан бугунги янги, саодатли тарихини бир нуктада бирлаштириб, ўсиб-ўниб келаётган фарзандларимиз учун Ватанга муҳаббат ва садоқатнинг, Ватан учун жон фидо қилганлар асло унутилмаслигининг, бугунги саодатлар осмондан тушмагани, миллат тинчлиги, озодлиги учун не-не аждодларимиз матонатли курашлар олиб борганининг тасдиғи, осойишта ва дориломон кунлар шукронасининг асл мактабига асос солинди.

Тезюрар поезд ишга тушадиган бўлса, Тошкент шаҳридан чиққан йўловчи атиги етти соатда Хоразмга етиб келади! Янги Ўзбекистондаги шиддатли ислохотларга ҳамоҳанглик бундан ортиқ бўладими?

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНАЛАР...

Поездимиз йиғирма уч дақиқада Хива вокзалига етиб келди. Эндиги манзилимиз – Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган янги туризм маркази – «Арда Хива» мажмуаси! 1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланган эди. Қадимий Хива қарийиб шунча даврда бугунгидай қиёфа касб этган.

Давлатимиз раҳбарининг сайё-ҳаракатлари туфайли олти ойда Ғовуқ кўли атрофидаги сайхон ерларда Хива “Ичанқалъа”сининг эгизаги – «Арда Хива» сайёҳлик маркази қад ростлади! Биз хоразмликлар Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган “Боқий Самарқанд” мажмуасига ҳавас қилиб юргандик! Хоразмдаги «Арда Хива» ҳам ундан қолишмайдиған даражада - Янги Ўзбекистондаги яратувчанлик, бунёдкорлик салоҳиятининг юксак намунаси сифатида гўёки афсоналардаги дев-у паҳлавонлар кўз очиб юмгунча, саройлар, қошоналар бунёд этгандагидай шад-у шижоатни ёдга солади! Лекин бу ерда эртақлардагидай бир қошона эмас, бутун бошли бир шаҳар бунёд бўлган! Кўрган кўз ишонмайди!

Халқаро сайёҳлик мажмуаси воҳанинг туризм истиқболида мутлақо янги саҳифа очиб беради. Шаҳарчада 1080 ўринли 5 та меҳмонхона, 13 та меҳмон уйлари, бир йўла 2000 нафар кишига хизмат кўрсатувчи очиқ ва ёпиқ аквапарк ва аттракционлар, муסיқий фавворалар шу қадар умумтоз бир меъморий ансамбль ҳосил этганки, бу мухашам гўзалликлардан лол қолиб суратларга муҳрлаётган сайёҳларни тушунса бўлади. Уларга боқиб, шоир кўнглим яна жўшади, тўлиб-тошади: Майли, улар юртимизнинг бетакрор қиёфаси акс этган суратларни ўз ватанларига олиб кетаверишсин, лекин асл «Арда Хива» бизники, у Президентимизнинг Хоразм элига ноёб, бебаҳо, бекиёс туҳфаси бўлиб, асрларга татийди!

Бу хайратомуз, мафтункор гўшада тарих музейи, Шарқ бозори, савдо дўконлари, 9 та ресторан, 5 та кинотеатр ва концерт заллари, кўргазмалар павильони, заргарлик маркази, хунарамандчилик уйлари, сув мототуриزمни ва қайиқларда сайр қилиш имконияти мавжуд бўлади. Улар бағрида келажак авлодлар яйраб-яшнайдди. Ватаннинг шу мўъжизавий гўшасидан сарбаланд орзуларига қанот олади. Бўйи-бастини, мақсадларини улуғвор Ватанга қараб ростлайди.

ИЛМ-У ИЖОД – ЮКСАЛИШЛАР ГАРОВИ

Президентимиз билан бири-биридан ҳашамдор, миллий ва замонавий меъморчилик андозалари уйғунлашган биноларни айланиб, янги хусусий меҳмонхона ҳовлисида анча туриб қолдик. Халқимизнинг илмий салоҳияти, юксак тафаккури билан дунёга танилгани, Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий университетини ташкил этиш ҳақидаги қарорга имзо чекканлари, бу даргоҳда чет давлатлар олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда юқори даражадаги таълим жараёни ташкил этилиши, ўқишлар ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилиши, дастлаб икки юз нафар, кейинги йилларда талабалар сони тўрт-олти минг нафарга етиши, Тошкентдаги Ал-Хоразмий математикалик мактабининг филиали шу ерда иш бошлаши хусусида сўз юритилар экан, ҳар томондан хоразмликларнинг раҳматлари, миннатдорлик сўзлари янгарди.

Айниқса, ердан ўттиз бир метр баландликда бунёд этиладиган Ал-Хоразмий бобомиз ҳайкали Хоразмининг яна бир ташриф

қоғозига айланади!

Шу дақиқаларда мен учун ҳам энг ҳаяжонли лаҳзалар содир бўлди. Юртбошимизнинг ижод аҳли олдидаги вазифалар ҳақида тўхталиб, билдирган фикрлари юрагимда акс-садо берди: ҳақиқатда, муқаддас Хоразм тупроғида иншо этилган – “Авесто”дан тортиб, то ханузгача яратилаётган дурдона битиклар - бу замин кишиларининг қонида, жонида яшаб келаётган, аждодлардан авлодларга беҳато, бенуқсон ўтаётган бебаҳо тафаккур ва салоҳиятнинг, беназир истеъдоднинг рад этилмас қафолатидир!

Киндик қони шу заминга тўкилиб, номи бутун жаҳонни забт этган буюк Хоразмий боболаримиз илм билан баробар ҳикмат ва шеърятни ҳам бирдек азиз тутганлар!

Ушал қутлуг ўзанлардан сув ичиб, қувват олиб, адабиёт бўстонида ҳар доим ўз сўзини айтиб келган эл бу! Президентимиз ташрифига устоз адабимиз Қурбон Мўхаммадризонинг “Ал-Хоразмий” тарихий романи ёзиб тугаллангани қувончли туҳфа бўлди!

Давлатимиз раҳбарининг “Адабиёт - халқнинг юраги” деган юксак эътирофи қалам аҳлининг қадр-қимматини, эъзоз ва эҳтиромини энг баланд шоҳсупага олиб чиқди.

Ҳаммамизни бирдек мафтун этаётган “Адиблар хиёбони” да ҳазрат Навоийга ёндош қилиб Оғаҳий бобомиз ҳайкали ўрин олгани, таржима соҳасида Оғаҳий номидаги Халқаро мукофот таъсис этилганига акс-садо ўлароқ Хоразмда бугун ҳам кучли адабий муҳит ҳукмрон. 2020 йилдаги ташрифи чоғида Президентимиз Хива хонлари ҳақида илмий ва бадийи асарлар яратиш хусусида айтиб ўтган эдилар. Ушбу даъватдан илҳом ва шижоат олган адибларимиз миллий адабиётимиз хазинасини Хива хонлиги тарихига оид учта трилогия, Оллақулихон, Феруз, Темирғози тўра, Абулғози Баҳодирхон ҳақидаги тарихий романлари билан бойитдилар.

БАРМОҒИМДАН ТАНГА ЭНГАН ЖОНИМ-ЛАЗГИМ...

Кейинги манзилимиз 3000 ўринли амфитеатр бўлди. Давлат раҳбарининг табриги йиғилганларнинг юракларига бу куннинг мазмуни ва моҳиятини, саодати ва шукронасини, бахт-у тароватини муҳрлади.

Дарвоқе, мозий тамаддунининг олтин бешикларидан саналган Хоразм тарихи, буюк алломалар, шерюрак баҳодирлар, шоир-у фузалолар сиймолари акс этган лаваҳлар дилларимизни фақат одам боласигагина ато этилган буюк ифтихор туйғуси билан сийлади.

«Арда Хива» мажмуасида намойиш этилган концерт дастури маданият, санъат оламида биз етиб келган марраларнинг ҳақиқий инъикоси, байрамларнинг гултожи бўлди! Авж пардада янграган “Хоразм лазгиси”нинг таъриф-у тавсифига эса шоирлар қалами ожиз.

Бугун дунё халқлари севиб тинглаётган, шодланиб рақс тушаётган “Хоразм лазгиси” бежиз ЮНЕСКОнинг номоддий-маданий мерос рўйхатига киритилмаган. Муаззам саҳнадаги ижролар бир ён бўлса, тадбирга таклиф этилган чет эллик сайёҳларнинг рақслари бир ён бўлди!

Менинг эса қалбим ғурур ва ифтихор, шукроналик туйғуларига тўлиб борар, дил изҳорларим худди шу “Хоразм лазгиси”нинг хонишлари янглиғ юрагимдан отиларди.



ЭХТИЁЖМАНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАНЗИЛЛИ БЎЛАДИ

2020 йилга қадар ҳам Ўзбекистонда камбағаллар бор эди. Аммо биз наздимизда бунни тан олмасдик. Аниқроғи, бу ҳақида ҳеч нима билмасдик. Чунки бу очик муҳокама қилинмади, у ҳақида кўп йиллар ёпиқ эшиклар ортида гаплашилди. Маълумотларга кўра, ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмасди. Аммо бу атама ҳам, мамлакатда камбағаллик даражаси юқорилиги ҳам мутлақо тан олинмасди. Анча пайт ёпиқ мавзу бўлган камбағаллик секин-аста, айниқса, пандемия даврида сув юзасига қалқиб чиқа бошлади. Камбағаллик ҳолатига тушиб қолишдан кўра, ундан чиқиб кетиш қийинроқ экани янада ойдинлашди.

Бундан 5 йил аввал давлатимиз раҳбари катта минбардан туриб, мамлакатда камбағаллик даражаси ва унга қарши курашиш ҳақида гапирди. Тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Ўшанда Президентимиз мамлакатимиздаги камбағаллик даражаси 12-15 фоиз атрофида эканини маълум қилган эди. Бу 4-5 миллион аҳоли етарли даромад манбаига эга эмаслигини, ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини билдиради.

Камбағаллик тор доирадаги тушунча эмас. Бу фақат моддий қийинчиликда, ночорликда кун кўраётган одамларга

мамлакатлар сирасига киради.

Энг муҳими, бу ишлар орқали тушкун кайфиятда бўлган оилалар боқимандалик руҳиятидан чиқиши, бандлик даражаси ошиши йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

100 ДАН ОРТИҚ ТУРДАГИ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

Яқинда давлат раҳбарига эҳтиёжманд аҳолини қўллашнинг янги чора-тадбирлари тақдим этилди. Яъни, камбағал оилаларни

НОГИРОНЛИГИ БОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ

Ўзбекистонда ногиронлиги бор шахслар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётда бошқалар билан тенг равишда тўлиқ ва самарали иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларнинг билим олиши, ишга жойлашиши ва оила даромадига улуш қўшиши, энг муҳими, жамиятда ўз ўрнини топиши учун кўмаклашиш устувор вазифалардан биридир.

Шундан келиб чиқиб, тақдимотда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш чоралари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Тақдим этилган тақлифларга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаган енгил саноат корхоналарига солиқ имтиёзлари берилади. Шунингдек, бундай ходимлар учун ижтимоий солиқ ставкаси пасайтирилади, тадбиркорларга уларни иш билан таъминлаш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўмгача миқдорда субсидиялар ажратилади.

Шунингдек, электрон савдо майдончаси орқали ногиронлиги бор шахсларга тегишли товар ва хизматларни харид қилиш миқдори оширилади. Уларга касб-хунар ўргатиш учун техникумларда инклюзив таълим гуруҳлари ташкил этилади.

Ўзгалар парварishiга муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш мақсадида “Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилади. Бундай инсонларга кундузги қатнов асосида ёки уйда қараб туриш, маиший юмушларда кўмаклашиш, йўқотилган ҳаракат фаоллигини қайта тиклаш, касалликларнинг олдини олиш каби тиббий-ижтимоий хизматлар йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маъқуллаб, уларнинг тизимлилиги ва бажарилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Аслида, камбағалликка барҳам бериш жуда катта қамровга эга бўлган масала ҳисобланади. Бунда кимгадир ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Одамларга ёппасига кредит бериш ёки пул тарқатиш билан камбағалликни енгиб бўлмаслигини исботлашга ҳожат йўқ, албатта. Бу иқтисодий-ижтимоий соҳаларда комплекс чораларни талаб этади.

Шу боисдан бугун иқтисодиётдаги барча саъй-ҳаракатлар аҳоли учун даромад манбаи яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилмоқда. Эндиликда аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича иқтисодиётнинг ўзгаришига қараб, янги ёндашувлар жорий этилмоқда.

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбарига оилаларни камбағалликдан чиқаришга кўмаклашиш тадбирлари ҳақида ахборот берилди. Тақдимотда камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, камбағал оилаларни уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қараб, уч тоифада қўллаб-қувватлаш тақлиф этилмоқда.

Камбағал оилаларга 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилиши, аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режалар тасдиқланиб, манзилли хизмат ва ёрдамлар кўрсатилиши эҳтиёжманд одамларимиз учун айни муддао бўлди. Энг муҳими, бундай инсонлар бандлигини чекловчи омиллар бартараф этилиб, муайян даромад топишига шароит яратилади.

Халқ демократик партияси бу ислохотларни тўла қўллаб-қувватлайди, албатта. Аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиётга эътиборни кучайтириш, ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш масалалари партиямиз учун принципиал аҳамиятга эгадир.

Масалан, айтийлик, камбағал оилаларга 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилиши давлат томонидан қафолатланган ижтимоий ҳимоя

дастурларини ҳаётга самарали татбиқ этишда муҳим, албатта. Бу эҳтиёжманд фуқаролар, айниқса, оғир ижтимоий ҳолатга тушган ва тушиш хавфи бўлган аҳоли билан манзилли ишлашда алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Камбағал оила фарзандлари мактабдаги узайтирилган кун гуруҳлари учун тўловдан озод қилиниши бу уларнинг ота-оналари учун ишлаш, фарзандларининг эса таълим олиши учун қўшимча имкониятлар яратиб, оила фаровонлигига хизмат қилади.

Умуман олганда, сўнгги йиллардаги тажрибалар асосида камбағалликни қисқартириш янги босқичга олиб чиқилади. Эҳтиёжманд инсонларнинг эҳтиёжлари, хоҳиши ва имкониятлари қўллаб-қувватланади. Шу орқали улар фаол жамиятга олиб кирилади.

Барчамиз учун эндиги вазифа – ушбу ташаббус ва тақлифларни тўлиқ амалга оширишдан иборат.

Аброр ҚУРБОНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Ўзбекистон – ижтимоий давлат. Конституциямизда мустаҳкамланган ушбу тамойил асосида меҳр ва кўмак тизими аҳолига яқинлаштирилмоқда. Масалан, айтийлик, барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, маҳалларда эҳтиёжманд фуқаролар учун ижтимоий хизматлар йўлга қўйилди. Зотан, ижтимоий ҳимоя, аввало, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги масаласи, ҳар бир инсон инсондек муносабатга лойиқ дегани ҳамдир.

Тақдимотдан бир нарсасга яна бир бора амин бўлдимки, эндиликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилади. Тизимни кучайтиришга доир янги ташаббуслар билдирилди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш эътибор марказида бўлди.

Маълумотларга кўра, ҳозир Ўзбекистонда 1 миллион нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар бор. Уларга қулай шароит яратиш, таълим бериш, муносиб иш ўринлари билан таъминлаш масаласи ниҳоятда долзарбдир. Чунки, инсоннинг қўли калталлиги ёки бошқа имкониятлари чеклангани унинг ҳуқуқлари чекланишига олиб бормаслиғи зарур.

Шундан келиб чиқиб, тақдимотда бу бўйича ҳам тизимли ва қатъий режалар муҳокама этилди. Жумладан, ўзгалар парварishiга муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш мақсадида “Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилади.

Бундай инсонларга кундузги қатнов асосида ёки уйда қараб туриш, маиший юмушларда кўмаклашиш, йўқотилган ҳаракат фаоллигини қайта тиклаш, касалликларнинг олдини олиш каби тиббий-ижтимоий хизматларнинг йўлга қўйилиши уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ифодасидир. Бу одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатларини кучайтиради. Доимий парварishiга муҳтож бўлган ногиронлиги бор юрtdошларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг кўнглини кўтариш, ҳаётга умиди ва ишончини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз бу масалада назорат-таҳлил ишларини кучайтириб, айнан камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, ногиронлиги бор шахслар бандлигини таъминлаш йўналишларини керак бўлса, ҳар чоракда сессияда кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Чунки, мазкур масалалар Халқ демократик партияси гоялари билан чамбарчас боғлиқ.

Албатта, ҳар бир қувончли ўзгариш, янгилик минглаб, миллионлаб одамларнинг руҳиятини кўтарди, юксалишга илҳомлантиради. Режалар улкан, тизимда яхши янгиликлар кўп бўлиши кутилмоқда. Вазирлик-идоралар, ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар зиммасидаги масъулият катта. Халқимиз белгиланган вазифалар ижросини аниқ натижаларда кутади.

Халқ демократик партияси жамиятимизда ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги таъминланиши, депутатлик ва кенг жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича қатъий вазифалар белгилаб олади, деган умиддамиз.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

» **КАМБАҒАЛ ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ МАКТАБДАГИ УЗАЙТИРИЛГАН КУН ГУРУҲЛАРИ УЧУН ТЎЛОВДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ, АЪЛО БАҲОГА ЎҚИГАНЛАР ОРОМҒОҲЛАРДА БЕПУЛ ДАМ ОЛИШИ МУМКИН БЎЛАДИ. КАМБАҒАЛ ОИЛАДАН ЧИҚҚАН АЪЛОЧИ ТАЛАБА-ҚИЗЛАРГА БАЗАВИЙ СТИПЕНДИЯНИНГ 2 БАРАВАРИ МИҚДОРИДА МАХСУС СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.**

тааллуқли бўлган масала эмас. Камбағаллик халқнинг соғлиғи, давлатнинг имкониятлари, фуқароларнинг устувор ҳуқуқлари таъминланиши, умумий салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ масаладир.

Тўғри, камбағаллик ҳар қайси замонда ҳам бўлган, ҳар бир мамлакатда бор. Бунни инкор этиб бўлмайди. Асосий масала камбағалликка қарши қандай курашилиши, давлат ва жамиятнинг саъй-ҳаракатлари бирлашиши, аниқ мақсадга йўналтирилишида. Ҳамма гап масалага тўғри ёндашишда. Шуларни инobatга олиб, камбағалликни қисқартириш масаласи кун тартибига чиқди. “Бой бўлсанг, кунда ҳайит, кунда тўй, йўқ бўлсанг, кунда ҳасрат, кунда ўй”, деб бежизга айтишмайди, ахир.

ЎЗБЕКИСТОН КАМБАҒАЛИККА ҚАРШИ ЖИДДИЙ КУРАШМОҚДА

Мамлакатимизда камбағаллик даражасини 2026 йилнинг якунига қадар 2022 йилга нисбатан икки бараварга, шунингдек, 2030 йилгача кескин қисқартириш стратегик мақсад сифатида белгиланган. Натижага эришиш учун қатор механизмлар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиляпти.

2021 йилда Ўзбекистонда илк бор камбағаллик мезони сифатида минимал истеъмол харажатлари миқдори белгиланди.

Оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш учун жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатлари миқдорига, яъни, камбағаллик чегарасига тенглаштирилди.

Охириги 4 йилда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга камайди.

Жорий йилда эса яна 1,5 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш, 5 млн 200 минг кишини ишли қилиш мўлжалланмоқда.

Жойлардаги давлат ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда «Темир дафтар» лар ташкил этилиб, эҳтиёжманд, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар қўллаб қувватланмоқда. Ҳудудларда камбағаллик даражасини қисқартириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, аҳолини касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳтож қатламни манзилли қўллаб-қувватлаш умуммиллий ҳаракат сифатида белгиланди.

Жаҳон банкининг эътироф этишича, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш йўлида энг юқори натижага эришаётган

“**ҲУДУДЛАРДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, АҲОЛИНИ КАСБГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА МУҲТОЖ ҚАТЛАМНИ МАНЗИЛЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНДИ.**”

9 май — Хотира ва қадрлаш кун

СУРОНЛИ ЙИЛЛАР ҲАҚИҚАТИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда кўп миллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни, унинг енгилмас, кучли иродаси ва қаҳрамонлигини, ўша суронли йиллар ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳоҳишда муҳим аҳамиятга эга.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Тошкентнинг қўҳна Сағбон бағрида бундан беш йил олдин Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан барпо этилган "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасидамиз.

Бу йил баҳор нисбатан иссиқ ва қуруқ келгани учун ҳам қуёш забтига олган, ҳаво дим. Тўрт томонга ёйилган майсазорлар ва лабиринтсимон йўлаклар бўйлаб дид билан қадалган турфа чечакларга фавворачалардан ўйноқлаб сув сачрайди. Қайдандир учиб келган майна сариқ тумшугини

нафардан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 млн 950 мингдан зиёд киши фронтга жўнатилган (ўша пайти юртимиз аҳолиси 6,5 миллион бўлган). Улардан 538 минг нафари жанггоҳларда қаҳрамонларча кўз юмган. Зангиоталик Зулфия ая Зокирова ҳам ана шу машъум йиллари бир эмас, нақд бешта азамат ўғлидан айрилган.

Одамзот чидаши мушкул бўлган бундай ўқубат қаршисида тик тура олган Зулфия ая ва унинг бева қолган тўрт келини



қайтамыз", дейилган бир мактубда.

Шоира Зулфия ёзганидай, номинг ўчсин жаҳонда, уруш!!! Минглаб қишлоқ ва шаҳарларни вайрон

қилган, инсоният тараққиётини бир неча ўн йилларга ортга сурган бу урушда ёв енгилди, аммо онанинг жондан азиз ўғиллари қайтмади. Гулюзли келинчақларнинг тоғдай суюнчиқлари олис ўлкаларда юрт тинчлиги учун жон бердилар. Бешиқдаги бола эса ақлини танигач, отасининг сиймосини фақат суратлардан излади.

Дарҳақиқат, бу монумент давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал. Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қутлугъ зиёратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб бораётгани ҳам бежиз эмас.

Мукаммал меъморий ечимга эга Ғалаба боғи бўйлаб юраркансиз, фалсафий ёндашув асосида яратилган, инсонни тафаккурга чорловчи монументларга деярли ҳар қадамда дуч келасиз. "Кўз ёши" мажмуаси улардан бири.

Тубсиз гирдоб шаклида ишланган бу мажмуа бир қарашда инсоннинг кўзини эслатади. Йирик кўз гавҳаридаги юзлаб қабртошлар турли миллат ва динга мансуб кишиларга ўрнатилган. Уруш аталмиш шафқатсиз кўланка дин, миллат, жинс танламаслигига, бундай ёвузлик неча-неча умрларни эрта хазон этишига ишора бу.

Тарихий-бадий ёдгорлик иншооти саналмиш Ғалаба боғининг "Уруш" ҳудудидамиз. Ушбу майдон ҳимоя ҳандақлари (окоп, траншеялар), жанговар техника, қақшатқич отишмаларни акс эттирадиган турли тасвирлардан иборат. Уруш қиёфаси танклар, танкларга қарши махсус металл қурилмалар, парвоздаги ва кулаб тушган самолётлар тимсолида гавдалантирилган. "Концлагерь" ёдгорлигида эса сиз-у биз билган, ҳар қандай азоб қаршисида ҳам ўз инсонийлигини, қадриятларини йўқотмаган 101 нафар ўзбек жангчисининг оғир қисмати билан рўбарў келамиз. Маълумки, улар 1942 йили Смоленскдаги қақшатқич жангларда мардларча курашган ва асирга олинб, фашистларнинг "Амерсфорт" концлагерига ташланган эди...

Илмий манбаларда инсоният тарихи давомида 15 мингдан ортиқ урушлар бўлгани, бироқ Иккинчи жаҳон уруши наинки мислсиз даҳшатлари билан, балки ядро қуроли қўлланилган ягона ҳарбий тўқнашув сифатида ҳам ёдга олинади.

"Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасидаги "Шон-шараф" музейи эса маҳобати, бетакрорлиги билан диққатимизни тортади.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба фронтдаги ва фронт ортидаги инсонларнинг жасорати эвазига қўлга киритилганини яхши биламиз. Ўзбекистон географик жиҳатдан фронтдан узокда жойлашганига қарамай, душман устидан ғалаба қозониш учун бутун инсоний ва иқтисодий имкониятларини ишга солди. Музей кираверишида жойлашган барельефдаги бўртма лавҳалар ўша кунлар ҳақида



тасаввуримизни кенгайтиради. Музей кириш қисмининг марказида эса юртимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилмасини ўзида мужассам этган бадий ёдгорлик композицияси ўрнатилган.

"Шон-шараф" музейидан 20 мингга яқин тарихий аҳамиятга эга буюмлар жой олган. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг қўламли ҳужжатли-бадий экспозициялар яратилган. Уларнинг ҳар бири сизни XX асрнинг суронли йиллари билан юзма-юз қилади. Санъат ва замонавий ахборот технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида барпо қилинган бу музей бошдан охирига қадар уруш оғриқларини, оқибатларини ҳис қилишга,

“

САНЪАТ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ЮТУҚЛАРИ АСОСИДА БАРПО ҚИЛИНГАН БУ МУЗЕЙ БОШДАН ОХИРИГА ҚАДАР УРУШ ОҒРИҚЛАРИНИ, ОҚИБАТЛАРИНИ ҲИС ҚИЛИШГА, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ЎША ДАВРГА ОИД ЭНГ ҚИММАТЛИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАНИШИШГА ИМКОН БЕРАДИ.



камалак тусда товланаётган сувга уради. Кўкка бўй чўзиб, кўр тўкиб турган дарахтлар ва улар билан бўйлашган ниҳоллар ҳам жазирамадан зериккандек гўё...

Шунга қарамай, боғда ташриф буюрувчилар кўп. Атрофга ҳайрат кўзлари билан боқиб, боғча опасининг ортидан тизилиб кетаётган қизалоқлар ва болакайлар, кўкси орденга тўла кекса ҳарбий билан галма-гал суратга тушаётган ўспиринлар, саф тортган ҳарбий ўқув юрти тингловчилари...

Асосий кириш йўлагидаги кузатувчидан "Бугун одам кўп экан-а?" дея ҳайрон бўлиб сўраймиз. Ахир кўнгилочар жойлардан фарқли бундай сокин, маърифат улашувчи масканларга аҳоли, айниқса, ёшлар деярли келмаса ҳам керак, деган фикр бизга бегона эмас.

–Боғда ҳар доим одам шунақа кўп бўлади. Мактаб ўқувчилари, боғча болалари, талабалар, сайёҳлар... Айниқса, 9 май куни бу ерда қадам босишга жой қолмайди, ишонинг!– дейди ўрта ёшли кузатувчи жилмайиб.

Боғнинг ҳар ерида ўрнатилган



радиокарнайлардан актёрлар ижросидаги қаҳрамонлар монологлари янграб турибди. 14 гектардан ошиқ майдонни эгаллаган улкан боғнинг қоқ ўртасида қад ростлаган "Матонат мадҳияси" аталмиш улғувор композиция қаршисида беихтиёр тўхтаймиз.

Тарихчиларнинг келтиришича, дунё бўйлаб 50 миллион

“

ДАРҲАҚИҚАТ, БУ МОНУМЕНТ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ОНАЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ. УШБУ ЁДГОРЛИК БУТУН ХАЛҚИМИЗ УЧУН ҚУТЛУҒ ЗИЁРАТГОҲГА, ОИЛА, МУҲАББАТ, ВАФО ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАНИ ҲАМ БЕЖИЗ ЭМАС.

хотирасига атаб ўрнатилган "Матонат мадҳияси" монументи ўзбек аёлининг чин садоқати ва матонати рамзидир. Композициянинг узвий қисми

бўлган 5 устун – стелла Зулфия аянинг урушдан қайтмаган беш ўғлига қиёсланган. Уларда бу ўғлонларнинг фронтдан юборган соғинч тўла мактубларидан парчалар битилган. "Ўтган хатингдаги баъзи қаторларнинг сиёҳи чаплашган экан, сенинг ёки онамизнинг кўз ёшлари бўлса керак. Йиғламанлар, ёвни енгиб



► (Давоми. Боши 4-бетда)

Жанг майдонидаги ғалабани акс эттирувчи рамзий тепаликда “Мангу жасорат” номли улуғвор ёдгорлик ўрнатилган. Ушбу ёдгорлик генерал Собир Раҳимов ва Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган қаҳрамонларга бағишланган.

Боғдаги фавворалар – ўзи алоҳида мавзу. Масалан, “Теракзор” фаввораси рамзий композиция бўлиб, у тарихий ўзбек удумларига асосланган ҳолда яратилган.

Ўзбек оиласида ўғил фарзанд дунёга келганда, ота дилбанди учун тераклар эккан. Фарзанд вояга етиб, оила қуриш вақти келганда, ушбу тераклар янги оила учун қуриладиган уйнинг

асосий хом ашёси – “синч” вазифасини ўтаган. Фаввора мана шу тарихий ҳақиқатни акс эттиради.

“Бахтли болалик” фаввораси эса уруш бўлаётган ҳудудлардан келтирилган юзлаб болаларнинг ўзбек оилалари томонидан асраб олинганини, халқимизнинг бекиёс меҳр-муруватини, бағрикенглигини намойиш этади.

Аслида «Ғалаба боғи»да ўзбек халқининг уруш давридаги жасоратли ва матонатли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб меъморий ёдгорликлар жуда кўп. Янги тарихий факт ва далилларга таянилган ҳолда, пухта лойиҳалар асосида ишланган бу ёдгорликлар яна юз йиллардан

кейин ҳам авлодларни уруш даҳшатларини ҳамда оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чорлайди. Инсоният учун бебаҳо неъмат, ягона нажот – бу тинчлик эканини қайта-қайта уқтиради.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабада халқимизнинг салмоқли ҳиссасини, аجدодларимизнинг қаҳрамонликларини англамоқ, ўтганлар хотирасини ёд этишдек савобли ва хайрли амалларимиз унутилмаслиги учун ҳам «Ғалаба боғи»га



“**ЖАНГ МАЙДОНИДАГИ ҒАЛАБАНИ АКС ЭТТИРУВЧИ РАМЗИЙ ТЕПАЛИКДА “МАНГУ ЖАСОРАТ” НОМЛИ УЛУҒВОР ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛГАН. УШБУ ЁДГОРЛИК ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВ ВА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАН ҚАҲРАМОНЛАРГА БАҒИШЛАНГАН.**”

юзининг қайсидир нуқталарида уруш туфайли бутун бошли ўлкалар вайронага айланмоқда, миллионлаб инсонлар нобуд бўлмоқда, бегуноҳ гўдаклар ўлмоқда ёки очликдан азият чекмоқда. Тобут устида дод солаётган оналар фарёди ҳар қандай тошюракни зирқиратади.

Ҳа, уруш аталмиш балои офат оғриклари замонлар ўтса-да, унутилмайди.

Бундан сабоқ олмоқ, омон-омон кунларимизни кўз қорачиғидай асрамоқ сиз-у бизнинг бурчимиз, авлодлар учун тарбиявий меросимиз бўлмоғи лозим.

келмоқ керак. Юртимиздаги тинч, осойишта ҳаётнинг қадрига етмоғи учун фарзандларимизни бу муаззам манзилга келтирмоқ керак. Бинобарин, бугун ҳам Ер

ТИНЧЛИК БОР ЖОЙДА ИНСОН ҚАДРИ БЎЛАДИ

Фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага саксон йил тўлди. Вақт югурик, ҳеч кимни аямайди. Худди шундай, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларининг гувоҳи бўлган, эл тинчилиги учун қўлига қурол олиб, жанггоҳга кирган, қолаверса, фронт ортида машаққатли меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган инсонлар сафи тобора камайиб бормоқда. Мудофаа вазиригининг маълумотига кўра, бугунги кунда юртимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлар 82 нафарни ташкил қилади. Уларнинг энг ёши улуги 114 ёшни қаршилаган.



парваришга муҳтож қоладиган кунлар кўп бўларкан, - дейди Анорбой ота.

Ўз навбатида ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Акмал Умаралиев бу масала тегишли тартибда ўрганилиб, отахонга барча зарур ёрдамлар кўрсатилишини билдирди.

ДАРВОҚЕ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 19 ФЕВРАЛДАГИ “ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ САКСОН ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА МУНОСИБ ИНШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИДА ҲАМ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТИДА НОГИРОН БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲАР БИРИГА ДОИМИЙ РАВИШДА ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ АЛОҲИДА БЕЛГИЛАНГАН.

Анорбой ота билан суҳбатимиз қизиди. Бир тарафдан, кекса отахонни чарчатиб қўймайлик, деган истиҳола. Бошқа тарафдан, йирик қирғинбарот уруши ва ундан кейинги қийинчиликларнинг гувоҳи бўлган тирик “тарих” билан юзма-юзмиз. Хотираларини қанча эшитсак, тарбиявий ўғитларидан қанча баҳра олсак, шунча оз.

- Қишлоғимиздаги ўзгаришларни, набираларимнинг, эвараларимнинг ютуқларини кўриб хурсанд бўламан, - дея давом этади Анорбой ота. - Заминимиз тилла, нима қадасанг, унади. Дастурхонларимиздаги тўқинлик ҳам шундан. Буларнинг ҳаммаси тинчлик туфайли. Тинчлик бор жойда файз ҳам, барака ҳам бўлади. Инсоннинг қадр-қиммати бўлади. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, ахир.

Отахоннинг ҳузуридан чиқар эканмиз, уруш – бу айрилиқ, уруш – бу чексиз азоблигини яна бир карра юракдан ўтказдик. Тинчлик эса бахт ва олий неъмат эканини чуқур ҳис қилдик. Қалбимизда шукроналик туйғуси оловланар эди.

Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



Биламизки, уруш даврида Ўзбекистон муҳим фронт орти марказига айланган. Бу ерда 280 та янги корхона барпо этилган, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, республика эса 1,5 миллиондан ортиқ эвакуация қилинганларни, жумладан, 250 минг етим болани бағрига олган.

Орадан саксон йил ўтса-да, уруш асоратлари ҳамон қалбларимизни ларзага келтиради. Жанг-у жадалларда юксак мардлик ва жасорат кўрсатган, уруш ҳақидаги хотираларнинг жонли гувоҳлари бугун асрни қаритган нурунийларимиздир.



Улар ўша даҳшатли йилларни титраб эслайдилар. Айни дамда ҳозирги тинч ҳаёт учун шукронани тилдан қўймайдилар.

Ана шундай табаррук замондошларимиздан бири, паркентлик Анорбой ота Жалиловнинг хонадонига отландик. ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши вакиллари, бир гуруҳ ёшлар ҳамроҳлигида отахонни байрам баҳона йўқлаб, икки оғиз суҳбатини олиш ниятимиз эди.

Файзли хонадонга кириб борарканмиз, Анорбой отанинг набираси “Бобом боғдан хабар олгани чиқиб кетдилар”, дея бизни қаршилади. Очиғи, хайрон қолдик. Юз билан юзлашган отахоннинг ҳали бардам эканидан хабаримиз бор эди, аммо шу ёшда уй тўрида ҳордиқ олиш ўрнига боғ юмушларига бош-қош бўлиши чиндан ҳам ҳайратли, ҳавас қилгуликдир.

Бироз кутдик. Анорбой ота уйга кириб келди. Удумларимизга кўра, ёши улуғларга иззат-икром кўрсатиб, дастурхон тўрига ўтқизамиз. Бироқ Анорбой ота бунга қатъиян изн бермади.

- Сизлар меҳмон, мен мезбонман. Ўзбекчиликда меҳмон отадай улуг кўрилади, - деб отахон пойгақдан жой олди.

Отахоннинг сийратидagi камтаринлик, одамохунлик нури чехрасида балкиб туради. Фикрлари тиник, овози ўктам, нигоҳи тетик. Суҳбат асосида қувваи хофизасига ҳам йиллар таъсир қила олмаганини англаймиз.

- Урушнинг охириги йили фронтга сафарбар қилинганман, - дейди Анорбой ота. - Польшада, Германияда бўлдим. Франкфурт шаҳрида, Польша ва Германия ўртасидаги Одер дарёси бўйларидаги ўрмонларда жангга кирдик. Мен «Катюша»да хизмат қилардим. Биз «передовой»дан бир неча километр ортда борардик ва кўрсатилган координаталар бўйича ўққа тутардик. “Катюша” ўққа тутганда ҳар қандай истеҳкомнинг тит-пити чиқиб кетарди... Хуллас, қаерда хавф кўпроқ бўлса, ўша нуқтага зарба бердик. 1945 йили 2 май куни уруш тамом бўлганини айтишди. Ҳамма бир-бирини табриклади. Шундан сўнг 1950 йилгача Германияда хизмат қилдим. Ризким узилмаган экан, соғ-саломат юртга қайтдим. Шукр, мана, Яратган берган умрни яшаб келяман.

Анорбой ота урушдан қайтгач, таълим соҳасида меҳнат қилди. Шу боис ҳам бу соҳада рўй бераётган ўзгаришлардан, мамлакатимиз ёшлари учун яратилаётган улкан имкониятлардан бохабар.

-Ёшлигимиз жуда оғир даврга тўғри



келди. Уруш майдонларида қанча хунрезликларни, ўзим тенги қанча сафдошларимнинг кўзи очиқ кетганини кўрдим. Ҳозир ҳам уруш даҳшатлари тушларимга кириб чиқади, хотиралардан юрагим оғрийди. Биз фақат тинчлик учун курашдик, фашизм деган бало тупроқларимизга кириб келмаслиги учун жон олиб, жон бердик... Ҳар байрамда мени йўқлаб келган ёшларимизга қараб, йигитлик чоғимни эслайман ва уларга ҳавас қиламан. Бундай ҳаётни қадрлаш керак! Илм, фақат илм олиш керак! Ёруғ келажакка, тараққиётга фақат билим билан борилади.

Ўз навбатида отахон давлат томонидан уруш фахрийлариға, умуман, кекса авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан мамнун эканини эътироф этади. Шу билан бирга сўнгги пайтларда тиббий хизматдан фойдаланишда бироз муаммога дуч келаётганини яширмайди.

- Патронаж ҳамшира ҳолимдан хабар олиб турарди, лекин охириги йиллари узилиш бўлиб қолди. Дарднинг энг ёмони - кексалик. Бундай вақтда алоҳида

МИННАТДОР АВЛОДЛАР ЭЪТИРОФИ



Гулнора МАРУФОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Хотира ва қадрлаш. Бу тушунчалар замирида халқимизга хос эзгу Ҳазилатлар муҳассам, инсон зоти нақадар азиз, мукаррамлиги ўз ифодасини топган.
Ўтганлар хотирасини эъзозлаш, бугунги тинч, осойишта кунларга етишимизда фидойилик кўрсатган фахрийлар, нуруний отахон-у онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш эзгу анъаналаримиз қаторидан жой олди. Чунки Ватан равнақи, халқнинг тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик нуқтиламиди.

Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиби нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада олиб борилаётган ишларни янада яхшилаш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга юксак ҳурмат кўрсатишнинг ёрқин намунасидир. Мазкур ҳужжат асосида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар уйига борилиб, ўша ернинг ўзида қўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу эса бугунги ёш авлод қалбида ватанпарварлик ва юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Айни кунларда ёлғиз ва кам таъминланган кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг яшаш жойлари таъмирланиб, ободонлаштирилмоқда. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаяпти. Уруш қатнашчилари ва унинг оқибатида ногирон бўлган шахсларга, фронт орти меҳнат қилган фахрийларга “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари топишрилади.

Шунингдек, қарорга кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари бириктирилган ҳолда доимий

равишда патронаж хизмати йўлга қўйилади. Бу ҳам юртимизда уларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Иккинчи жаҳон урушида қанча-қанча ўғлонларимизга она юртига қайтиш насиб қилмаган. Гулдай ҳаёти, йигитлик даври жанг-у жадалда ўтиб, ҳоки ўзга юртларда қолиб кетган. Уларнинг хотирасини ёд этиш эса бугунги авлоднинг муқаддас бурчидир.

Ўша пайтларда Ўзбекистонда 6 миллиондан ортиқ аҳоли яшаган бўлса, ҳар учинчи оиланинг отаси ёки фарзанди урушга кетган. Бу бизнинг оилани ҳам четлаб ўтмади. Бобом 1942 йилда фронтга кетган. Бувим 4 фарзанд билан ёлғиз қолган. Энг кичик амаким бобом кетгандан кейин туғилган. Ўшанда дадам 12 ёшда бўлган. Отам болалиқни четлаб ўтиб, бирданига “катта” бўлиб, катталар билан бирга меҳнат қилган.

Дадам бувим билан биргаликда елкама-елка туриб рўзгорга қарашган. Дадамни бобом ишлаган жойга ишга олишган. Ҳали ёш бўлгани учун почтаълон вазифасида ишлаган.

Отам ўша пайтдаги қийинчиликларни кўп хотирларди, бизга айтиб берарди. Шунинг учун ҳар доим у билан гаплашсам, бобомни ҳаётда ҳам кўргандек бўлаверардим.

Отам фронтдан келган хатлар ҳақида сўзларди. Дадамнинг айтишича, бобом охириги хатларида шундай деган экан: “Биз эртага сахардан катта тўйга кирамиз...”. Уруш десам болалар кўрқмасин, деб шундай деб ёзган шекилли.

Шундан кейин отасидан бошқа хат келмаган. Кейинроқ эса қора хат келган. Отам, амакиларим кўп йиллар бобомнинг қабрини, қаерга дафн этилганини қидиришди. Лекин топишолмади. Жуда кўп архивларда юришган. Ҳаттоки Беларуссиянинг кўп ўрмонларида юриб, жуда кўп қабрларни кўришган. Лекин бирортасида бобомнинг фамилиялари чиқмаган. Кейинчалик Марғилон шаҳридан бедарак кетганлар ҳақидаги хотира китобидан Маъруфжон Орипов номини топганмиз. Бу менинг бобом эди. Биз шундай мард ва жасур инсоннинг фарзандлари, авлодлари эканлигимиздан бутун оиламиз билан ғурурланиб яшаймиз. Бобомнинг хотираси доимо биз билан!

Бундай одамлар ёруғ дунёнинг кўрки, файзи, баракаси бўлган. Айниқса, уруш кўрганлар, минглаб қурбонларнинг шохиди бўлган, бизга ҳақ ва ноҳақни ажратиб, ҳаёт йўлини кўрсатган.

Умуман олганда, мамлакатимизда ҳам Иккинчи жаҳон урушида қатнашган кишилар тобора камайиб бормоқда. Шундай экан, уларни қанча қадрласак, ҳурмат бажо келтирсак, эъзозласак шунча кам. Ҳаёт бор экан, халқимиз бу қаҳрамон жангчилар хотирасини ҳеч қачон унутмайди. Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахт-у саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт яшайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 мартда қабул қилинган қарори асосида Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги юртимизда кенг нишонланиши беназир алломанинг ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишни рағбатлантириш, мотуридийлик таълимотига хос бағрикенглик ва мўътадиллик тамойилларини халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга молик бўлган тарихий воқеадир.



ДИНИЙ МУВОЗАНАТ НИЗОМИ



Зиёвиддин МАНСУР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Наманган вилоят бўлими раҳбари,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши
депутати

Буюк олимнинг исломий ақидашунослик соҳасида улкан из қолдиргани, ўзининг ўлмас таълимоти билан сунний исломнинг асосий каломий йўналишларидан бирини илмий асосда белгилаб бергани, бу билан исломий фикр ҳамда эътиқоднинг мувозанатли ёндашувини таъминлагани бутун дунёга маълум ва манзур.

Биламизки, Мотуридийнинг бир қанча асарлари мавжуд. Жумладан, “Китобат-таҳвид” китоби исломий калом соҳасидаги энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Унда Аллоҳнинг сифатлари, исломий ақида масалалари, тақдир ва инсон иродаси ҳақида кенг, атрофлича фикр юритилган. Олимнинг яна бир китоби - “Таавилоти ахлис-сунна” Куръон тафсири бўлиб, унда таъвил ва тафсир методологияси юзасидан илмий қарашлар баён қилинган. “Раддалал-Қарромийя” ва “Раддалал-Муътазила” асарлари ҳам ўта долзарб бўлган турли ақидавий оқимларга қарши раддия сифатида ёзилган.

Президентимизнинг Самарқандда Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида “Калом илмининг султони”, “Муसулмонлар эътиқодини тузатувчи” деган юксак эътирофларга сазовор бўлган Имом Мотуридий ўрта асрларда – ғоявий курашлар авж олган ўта мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини кенг очиб

берадиган ноёб илмий-маърифий асарлар яратгани, турли зарарли оқимлар ва жаҳолатга қарши мардона кураш олиб боргани, ҳеч шубҳасиз, чинакам маънавий жасорат намунасидир”, деган эътирофлари замирида чуқур маъно муҳассам.

Давлатимиз раҳбари табригида Имом Мотуридий меросини ўрганишга мамлакатимиз миқёсида алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Бу бежиз эмас. Негаки, бугун дунё миқёсида бўлаётган жуда кўп нохушликлар ортида динни тўғри тушунамслик, уни турли оқимлар томонидан ўз манфаатлари йўлида бузиб талқин қилиш, айнан Мотуридийнинг ана шундай бузғунчиликларга қарши раддия тарзида битилган асарларини билмаслик, олимнинг огоҳликка даъват тарзида илгари сурган ғояларига риоя қилмаслик сингари иллатлар турибди.

Не бахтки, мамлакатимизда виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик борасида қилинаётган бемисл ишларни бутун олам ўрганас арзийди.

Ўттизга яқин мамлакатлардан етмишга яқин мутасаддилар иштирок этган Самарқанд анжуманидан қўзланган асосий мақсад ҳам худди шу аслида.

Мана шуларни ҳис этган ҳолда бутун мамлакатимизда бўлганидек, вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам мазкур йўналишда тушунтириш ишларини олиб бораётганимизни айтиб ўтиш ўринли. Бунга мисол тариқасида Наманган шаҳрининг “Шаршара”, “Тараққиёт”, “Янги ҳаёт”, “Диёр”, “Дамбоғ” ҳамда ўзим депутат бўлган Тўрақўрғон туманининг қатор маҳаллаларида, таълим муассасаларида Республика Маънавият ва маърифат маркази, шунингдек, ЎзХДП Наманган шаҳар ва Тўрақўрғон туман бўлимлари билан ҳамкорликдаги тадбирларимизни кўрсатиш мумкин.

Таассуфки, бугун дунёнинг айрим ҳудудларида муқаддас динимизнинг эзгу ғояларини сохталаштириш, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга қаратилган бузғунчи ҳаракатлар янги-янги шаклларда давом этмоқда. Шундай мураккаб паллада мамлакатимизда олиб борилаётган ибратли ишлар бутун оламдаги тараққийпарвар кучлар томонидан қўллаб-қувватланипти ва бунда “Диний мувозанат низоми” дея аташ мумкин бўлган Мотуридия таълимоти эзгулик сари йўлловчи маёк вазифасини ўтамоқда.

ОЛИМЛИК ОЛАМИ



Бу борлиқдаги кўз илғамас жараёнлар, ҳаёт ва умр синоатлари – барчаси илм-заковат, ақл-фаросат билан барқарорлашади. Олам ва одам тилсимларини англаш, дунё сирларини тушуниш, ўтиш, бугун ва келажак учун масъуллиқ ҳам фақат илм-маърифат туфайли юзага келади. Бу неъмат жаҳон донишмандлигида ҳам, илоҳий ва башарий фикр-қарашларда ҳам улугланади, мадҳ этилади, олқишланади.

Тарихдан маълумки, дунё тамаддунининг барча босқичида – антик даврдан ҳозирги глобаллашув замонида эл-у улус равнақи олимлар етакчилигида рўй берган. Она юртимиз эса илм-у маърифатнинг бешиги экани барчамизга кундай равшан.

Янги Ўзбекистон – илм-фан, фаровонлик, ободлик, озодлик, тотувлик, тараққиёт тарихини яратди. Гап шундаки, инсоният жамиятларининг ҳар қандай технологик ривожини ҳам гуманизм,

маънавият, инсонийлик, комил ахлоққа таянгандагина барҳаётлик касб этади. Шу маънода бугунги зиддиятли даврда ҳам эзгу қадриятлар муҳассами бўлган бадий ижод ва адабиёт илмига, санъатнинг нурли туйғуларига эҳтиёж кундан кунга ортмоқда.

Хусусан, ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги ўзининг чинакам забардаст вакилларига эга. Ана шундай вакиллардан бири – Муслихиддин Муҳиддиновнинг меҳнат фаолияти асосан Самарқанд ижтимоий ва илмий ҳаётида кечди. У Самарқанд давлат педагогика институтида лаборант, ўқитувчи, доцент, профессор, проректор, кейинчалик эса Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси профессори, “Самарқанд университети” газетаси муҳаррири, СамДУ қошидаги ихтисослашган кенгаш котиби ва раиси, Самарқанд давлат университети маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, ректор вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади.

Кўп асрки, ўзбек адабий ҳаётида навоийшунослик адабиётшуносликнинг бир асосий тармоғи бўлиб келмоқда. Бу йўналишда Муслихиддин Муҳиддинов фаолияти алоҳида ўрин тутди. У яратган йигирмага яқин монографиялар, 10 дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалар, 400 дан ортиқ илмий мақолаларнинг асосини навоийшунослик билан боғлиқ долзарб муаммолар тадқиқи ва таҳлили ташкил қилади. Жумладан, “Талқинларда оламча маъно”, “Барҳаёт анъаналар”, “Ўзбек классик адабиётида гуманизм масаласи”,

“Икки олам ёғдуси”, “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида комил инсон талқини”, “Хамса”ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири”, “Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик”, “Нурли қалблар гулшани”, “Навобахш ҳикматлар”, “Халқ китоблари ва мумтоз адабиёт”, “Форс-тожик шоирлари ижодида комил инсон талқини”, “Қўнгил ҳайратлари” монографияларини чуқур илмий изланиш ва бой тафаккур маҳсули, дейиш мумкин. Таърибалар англатадики, илм ҳам дард, ишқ сингаридир. Чунки кўнгилда пайдо бўлган дард, агар у чин ҳақиқат бўлса, инсонга ҳеч вақт тинчлик бермайди, ёлғизликда ҳам, жамоада ҳам безовта қилади, оромни бузади. Шунинг учундир, тасаввуф арбоблари “дардни фаришталардан ҳам олдин яратилган” ҳодиса сифатида эътироф этган.

Бугунги кундаги тезкор тараққиёт, муаммолар глобаллашуви ва технологик ўзгаришлар даврида илм-фан соҳалари ҳам қатъий жадаллашиш йўлига ўтмоқда. Бу эса соҳа ахлидан замон талабларини англашда шахсий зийраклик ва фаоллиқни, зеҳнийда фавқулодда ишчанлик ва уйғоқлиқни, шунинг баробарида юрт, халқ равнақи учун бегараз фидойилиқни талаб этади. Бундай сифатларни устоз Муслихиддин Муҳиддинов сиёсотида яққол кўрамади. Олимнинг республикамиз марказий газета-журналларида чоп этилган “Навоий ва Ғарбий”, “Сўз Ҳазилати”, “Улуғлик зийнати”, “Миллий ғоя – ёшлар онига”, “Инсон ҳаётининг маъноси”, “Давримизни ҳаракатлантирувчи

куч”, “Мамлакат келажиги илми ва маърифатли ёшларга боғлиқ” каби ўнлаб мақолаларида ёшлар тарбияси, маънавий-мафкуравий онгни ривожлантириш каби долзарб масалалар қамраб олинган.

Бундан ташқари, бу жонкуяр олим ва педагог бир қатор илмий, амалий грант ва лойиҳалар раҳбари саналади. Ушбу грантлар асосида кўплаб алоҳида китоблар, юзлаб илмий мақолалар нашр этилди, адабиётшунослик, навоийшуносликка доир долзарб тадқиқотлар амалга оширилди ва оширилиб келинмоқда, 20 дан ортиқ фалсафа ва фан доктори диссертациялари ҳимоя қилинди, бевосита устознинг ўзи раҳбарлигида 20 га яқин номзодлик ва фалсафа (PhD), 10 га яқин фан доктори (DSc) диссертациялари муваффақият билан ёқланди, кўплаб магистрлик ва бакалаврлик ишлари тайёрланди.

Серқирра олим айни пайтда ҳам мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юксалиш даврига кирган Янги Ўзбекистоннинг қудратини ошириш, бугунги ёш авлодни билимли, имон-эътиқодли, баркамол қилиб тарбиялаш йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Устоз республикамизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мазмунини теран англайди, иш жараёнида тартиб-интизомга қатъий риоя қилади, истеъдодли кадрларни кадрлайди, уларнинг профессионал ўсишини қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, республика ва вилоятнинг маънавий-маърифий тадбирларида фаол иштирок этади, ўз илмий-педагогик фаолиятида маънавиятимизни юксалтиришга, аждоқларимизнинг бой адабий меросини ёшларга етказишда бутун қалби билан фидойилик кўрсатмоқда.

Шу кунларда 80 ёшни қарши

““

ТАРИХДАН МАЪЛУМКИ,
ДУНЁ ТАМАДДУНИНИНГ
БАРЧА БОСҚИЧИДА
– АНТИК ДАВРДАН
ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛЛАШУВ
ЗАМОНИГАЧА ЭЛ-У УЛУС
РАВНАҚИ ОЛИМЛАР
ЕТАКЧИЛИГИДА РЎЙ
БЕРГАН. ОНА ЮРТИМИЗ
ЭСА ИЛМ-У МАЪРИФАТНИНГ
БЕШИГИ ЭКАНИ
БАРЧАМИЗГА КУНДАЙ
РАВШАН.

олаётган устозимиз филология фанлари доктори, профессор, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, олижаноб ва камтарин инсон Муслихиддин Муҳиддинов бугун юзлаб илмга чанқоқ ёшларга маърифат йўлида йўлбошчилик қилаётган устоз. Инсон қадри улугланган юртимизда бундай етук олимларимиз доимо элимиз ардоғидадир.

Усмон ҚОБИЛОВ,
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат
университети профессори,
филология фанлари
доктори,
Исроил СУЛАЙМОНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.



**Партиямиз фахрийси
Икром Қурбонов
фидойи, жонкуяр
сафдошларимиздан.
Қахрамонимизни кимдир
оқил инсон сифатида
таниса, яна кимдир
меҳрибон устоз деб
билади. Ҳалоллигини,
одамийлигини
алқайдиганлар жуда кўп.**

– Қирқ тўрт йилдан ортиқ меҳнат қилдим, – дейди Икром Қурбонов. – Фаолиятимни 1977 йили Термиз туманидаги 6-умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаганман. Мамлакатимизда илк сиёсий куч – Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганидан кейин 30 йилдан ортиқ шу тизимда ишладим. Икром ака партиядаги фаолияти давомида сафдошларимиз сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари раисларининг сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш, маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ишлашни устувор мезонга

айлантирди. – Икром Қурбонов ўзига хос феъл-атворга эга, – дейди Музработ туманидаги “Янги ер” маҳалласида яшовчи фахрий Панжи Норматов. – Устоз билан 23 йил давомида бирга меҳнат қилдик. У бор диққат-эътиборини Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратди. Электорат манфаати йўлида, айниқса, эҳтиёжманд инсонлар мушуқлини осон қилишда хайрли ташаббусларга, эзгу амалларга бошчилик қилди. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаётган воҳадошимиз ёшларга тўғри йўл кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашни инсоний бурч санайди. Бугунги кунда Икром аканинг ўнлаб шогирдлари раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилаётир. Яна бир шогирди – Фирдавс Шариповнинг икки марта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангани эса халқимизнинг партиямизга бўлган ишончи юксак эканидан далолат беради. – Икром ака партия ишида ўзига хос мактаб яратган оқсоқоллар сирасидан, – дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Шаҳло Қодирова. – У кишининг бевосита маслаҳати ва кўмаги билан “Истиқбол” ёшлар ва “Фаол аёллар” қанотлари самарали фаолият юритиб келмоқда. Партия Марказий Кенгаши томонидан ташкил этиладиган “Ёш сиёсатчи” кўрик-танловларида сурхондарёликлар мунтазам ғолиб ва совриндорлар сафида бўлиб келаётгани кувонарли. Дарҳақиқат, ташаббускор устознинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳар биримиз учун ибрат мактаби бўлиши шубҳасиз. Бундан ташқари, камтарлик, ҳушмуомалалик, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, қатъиятлилиқ,

бағрикенглилик каби фазилатлари сийратини безаб туради. Икром Қурбонов “Нуроний” жамғармаси васийлик кенгаши қарорига асосан 2-даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланган. Кўп йиллик самарали фаолияти инobatга олиниб, Ўзбекистон ХДПнинг “Эхтиром китоби”га киритилган. – Икром аканинг яна бир ибрат олса арзийдиган одатини айтиб ўтмоқчиман, – дейди Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. – Аксарият ҳолларда у кишининг китоб ёки газета ўқиётганига кўзингиз тушади. Мутолаа кишини комиллик сари етаклайдиган, тафаккур хазинасини бойитадиган муҳим ҳодисадир. Икром акадан бу одатни, айниқса, ёшларимиз ўрганса, нур устига нур бўларди. Ватан оиладан бошланади, дейдилар. Икром аканинг мўъжазгина ватани – оиласига барча ҳавас қилади. Малоҳат ая билан 8 нафар фарзандни вояга етказиб, бугунги кунда йигирмага яқин набиралар қуршовида қарилик гаштини сураётган Икром ака ҳаётидан мамнун. – Ҳар бир инсон эзгу мақсадлар билан яшайди, – дейди қахрамонимиз Икром Қурбонов. – Умр йўлида уч ақидага қатъий амал қилдим: билмаганларни устозлардан ўрганиш, муносиб давомчилар қолдириш ва ажойиб шогирдлар тарбиялаш. Бу йўлни тутиб, асло кам бўлмадим. Элнинг ҳурматиға, эътирофига эришдим. Бу мен учун ҳаётимдаги энг катта мукофотдир. **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” мухбири.**



НУРОНИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Бугунги тинч ва фаровон кунлар учун жонини фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган кексаларни эъозлаш бағрикенг ва олижаноб халқимиз учун қадрият даражасига кўтарилган. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқ депутатлари Қосон туман Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутат Мурод Мўминов ташаббуси билан ҳамда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида Қосон туманидаги “Этак” маҳалла фуқаролар йиғинида “Унутмоқ осонмас сизларни” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда вилоят ва туман ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари, нуронийлар, маҳаллий кенгашлар депутатлари, ёшлар, ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, манзилли ижтимоий химояни кучайтириш мақсадида олиб борилаётган ишларни аниқ мисоллар асосида санаб ўтдилар. Бу борада партия ташкилотлари ҳам фаоллик ва намуна кўрсатаётгани тилга олинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши “Фахрийлар Кенгаши” аъзолари ҳамда партиядан сайланган халқ депутатлари томонидан “Уч авлод учрашуви”, “Кексалар ҳафталиги” сингари маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, ҳар бир туман ва шаҳарда фахрийлар билан ишлаш кўламини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда юртимиздаги осойишталик ва барқарорликни қадрлаш, тўй-ҳашам, маърака ва маросимларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик масаласига ҳам урғу берилди. Бир пиёла чой устида давом этган суҳбатда нуронийлар ўзларига кўрсатилаётган эъзоз-у эҳтиромдан миннатдорлигини баён қилдилар. Тинчлигимиз абадий бўлишини, замондошларимиз қалбида шукроналик туйғуси асло йўқолмаслигини тилаб, дуога қўл очишди. **Музаффар ТУРОПОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

СЎЛЛАРНИНГ ТАРИЖИЙ ҒАЛАБАСИ

Газетамизда “Хориж парламенти” рукни остида чоп этиладиган мақолалар туркумида бугун Норвегия парламенти, унинг сайлов тизими ва охириги парламент сайлови тафсилотлари ҳақида суҳбатлашамиз. Норвегия кейинги йилларда Буюк Британиянинг The Economist Intelligence Unit (EIU) тадқиқот ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Демократия индекси”да 1-ўринга муносиб кўрилмоқда. Айни шу биргина маълумотнинг ўзи ҳам у ердаги сайлов тизими ҳамда парламент фаолиятига қизқишшни орттириши табиий.

Мамлакат аҳолиси 5 ярим миллиондан ортиқ. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 500 миллиарддан кўпроқни ташкил қилади. Бу ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига 90 минг АҚШ доллари атрофида тўғри келишини англатади. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам халқаро рейтингларда кучли 10 ликка қиради.

ПАРЛАМЕНТ ВА УНИНГ САЙЛОВ ТИЗИМИ

Норвегиянинг олий қонун чиқарувчи органи, яъни, парламенти — Storting деб аталиб, 1814 йилда ташкил этилган. У 169 депутатдан иборат бир палатали парламент бўлиб, уни Storting Президенти бошқаради. Унга ҳар тўрт йилда сайлов бўлиб ўтади. Бошқа парламентлардан фарқли ўлароқ Норвегия парламенти ҳар доим ўзининг тўрт йиллик муддатини тўлиқ ўтайди. Бунга мамлакат Конституцияси навбатдан ташқари сайловларга рухсат бермаслиги ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир депутатнинг ўринбосарлари ҳам айни бир вақтда сайланади. Парламентга сайловлар даврида мамлакат ўн тўққизта кўп мандатли сайлов округига бўлинади ва депутатлар пропорционал тартибда сайланади. Умумий депутатларнинг 150 нафари 19 та сайлов округидан сайланади. Бунда ўринлар аҳоли сони ва ҳудуднинг катта-кичиклигига қараб тақсимланади. Қолган 19 та ўрин (яъни, ҳар бир сайлов округидан бир нафардан) “тенглаштирувчи



ўринлар” деб аталиб, умумхалқ овозига кўра камроқ ўрин олган партияларга берилади. Бу ўринларга эга чиқиши учун партиялар умумий сайловчиларнинг камида 4 фоиз овозини олиши керак бўлади. Сайланган депутатлар парламентнинг 12 та доимий комиссияси ва 4 та кўмитасига аъзо бўлишади. 2007 йилги Конституцияга киритилган ўзгартиришга қадар парламент амалда ичкаридан икки палатага бўлинган эди. Яъни, сайланган депутатларнинг чорак қисми Lagting (юқори палата) аъзолигига, тўртдан уч қисми эса Odelsting (қуйи палата)га бирлашган. 2009 йилги сайловдан кейин амалда ҳам бир палатали парламент фаолият юритмоқда.

ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ

Қонунчилик жараёни беш босқичга бўлинади. Биринчи босқичда қонун лойиҳаси парламентга ҳукумат аъзоси ёки қонунда назарда тутилган алоҳида вакил томонидан киритилади. Парламент қонун лойиҳасини тегишли доимий кўмитага юборади ва у ерда батафсил кўриб чиқилади. Кўмита лойиҳани тўлиқ ўрганиб чиққанидан кейин биринчи ўқишда парламент йиғилиши кун тартибидеа кўриб чиқиш учун тавсия қилади. Қонун лойиҳасини депутатлар муҳокама қилгандан кейин эса овоз бериш жараёни бўлиб ўтади. Агар қонун лойиҳаси етарлича овоз ололмай рад этилса, жараён тугайди. Биринчи ўқишдан

муваффақиятли ўтган лойиҳалар камида уч кунлик муддатдан кейин иккинчи ўқишга киритилади. Парламент қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда яна муҳокама қилади ва яна овозга қўйилади. Етарлича овоз олиб муваффақиятли ўтган қонун лойиҳаси “Қиролнинг розилиги” учун Кенгаш томонидан Қиролга тақдим этилади. Агар парламент иккинчи ўқишда салбий ҳулосага келса, унда учинчи ўқиш яна камида уч кундан сўнг такрорий муҳокама ва овоз бериш орқали ўтказилади.

“ҚИРОЛЛИК РОЗИЛИГИ” НИМА?

Кенгашда Қиролга тақдим этилган қонун лойиҳаси Қирол томонидан ва албатта Бош вазир томонидан ҳам имзолалиши керак. Кейин у қонунда кўрсатилган тартибда ёки ҳукумат қарори билан Норвегия қонунига айланади. Норвегия Конституциясида қирол парламент томонидан тақдим этилган ҳар қандай қонунга “вето” бериш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Агар Қирол қайсидир қонунга “вето” берса, ўша қонун парламентнинг кейинги қақирғида ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз депутатлар томонидан маъқулланса у холда қонун лойиҳасидан “вето” ҳуқуқи ўз-ўзидан олинади ва қонун кучга қиради. Лекин Норвегия парламентчилиги тарихида 1905 йилда Норвегия ва Швеция ўртасидаги иттифоқ парчаланганидан бери Қироллар

“вето” ҳуқуқидан фойдаланмаган.

СЎЛ БЛОКНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

Норвегия парламентига охириги сайловлар 2021 йил сентябрь ойда бўлиб ўтган. Унда бешта сўл партия – Лейбористлар, Марказ, Сўл социалистик, Қизил ва Яшиллардан иборат блок парламентдаги 169 ўриндан 100 тасини қўлга киритди. Бу Сўл блок қайд этган мамлакат тарихидаги энг йирик ғалаба бўлди. Блокнинг энг катта партияси Лейбористлар амалда энг кўп 48 та ўринни эгаллади. Бу 2017 йилги сайловларга қараганда биттага кам ўрин дегани. Лекин таҳлилчиларнинг фикрича лейбористлар қутилганидан кўпроқ ўрин олишди. Сабаби, сайловдан олдинги таҳлилларда улар анча камроқ ўрин олиши башорат қилинган эди. Халқаро оммавий ахборот воситалари ҳам, таҳлилчилар ҳам Қизил (Rød) партиянинг муваффақиятини эътироф этишди. Улар парламентда 8 та ўринга эга чиқишди. Ваҳоланки, аввалги сайловда улар бор-йўғи 1 нафар депутатлик ўрнига эга бўлишган эди. Шунингдек, Консервативлар партияси 36, Марказ партияси 28, Тараққиёт партияси 21, Сўл социалистик партия 13, Либерал партия 8, Христиан-демократик партия 3, Яшиллар партияси 3 ва Patient Focus партияси 1 нафар депутатлик ўрнига эга бўлди. Шу тариқа Норвегия парламентида 10

та партия вакиллари ўрин олишди. 2021 йилдан бери Масуд Гараххоний парламент президенти лавозимида ишлаб келмоқда. Дунё оммавий ахборот воситалари ушбу сайловлардан сўнг шимолнинг барча беш мамлакати – Дания, Исландия, Норвегия, Финляндия ва Швеция 1959 йилдан бери биринчи марта марказий чап ҳукуматлар томонидан бошқарилишини таъкидлади.

2025 ЙИЛГИ САЙЛОВЛАР ҚАНДАЙ ЎТИШИ ҚУТИЛМОҚДА?

2017 йилда Вазирлар Маҳкамаси Судья Орнүлф Рохнебаек бошчилигидаги 17 аъзодан иборат Норвегия парламенти сайловларида қўлланиладиган сайлов тизимини кўриб чиқиш билан шўғуланувчи кўмита тузган. Кўмита 2020 йил 27 май куни сайлов тизими ҳақидаги ҳисоботини эълон қилди. Ҳисоботга кўра, кўмита депутатлик ўринлари сони 169 тада қолиши керак деган фикрни билдирган. Бундан ташқари, кўмита аъзоларининг кўпчилиги сайлов чегарасини 3 фоизга тушириш ва депутатлик мандатларини тақсимлашнинг икки босқичли формуласини (яъни, мандатларнинг аҳоли сони ва ҳудуднинг катта-кичиклигига қараб тақсимланиши) бекор қилишни маъқуллаган. Бирок, сайлов қонунчилигига тақлиф этилаётган ислохотлар фақат 2025 йилдаги навбатдаги парламент сайловидан бошлаб қўлланилиши мумкин. Округлар ва муниципалитетларни ислох қилиш 2021 йил 1 январдан кучга кирди ва округлар сонининг 19 тадан 12 тагача қисқаргани айтилмоқда. Демак, жорий йил сентябрида бўлиб ўтиши қутилаётган Норвегия парламенти сайловлари қутилмаган натижаларга бой бўлиши, сиёсий партияларнинг позицияларида катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Кейинги йилларда Европа Иттифоқи ҳудудида сўл кучларнинг юқсалиб бораётгани келажақда ҳам давом этиши мумкин бўлган тенденция бўлиб кўринмоқда. Демак, Норвегиядаги навбатдаги сайловда ҳам биз сўлларнинг ғалабасини кўришимиз мумкин.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ҲАМКОРИМИЗ

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистон 7 миллиард куб метр сув етишмовчилигига дуч келиши мумкин. Бошқача айтганда, ҳозирда аҳоли жон бошига 3 минг куб метрдан сув тўғри келган бўлса, бу рақам яқин беш йилда каррасига камайиши эҳтимолга яқин. Демак, дунёда бошқа муқобили йўқ ресурс – сувга нисбатан муносабатни бутунлай ўзгартириш, ушбу тириклик манбаини келажак авлодлар учун ҳам қолдириш инсоний бурчимиз эканини англамоғимиз ҳаётий зарурат.

Мана шундай шароитда юртимизда сув таъминотини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришга, соҳада замонавий инфратузилмани яратишга устувор эътибор қаратилаётгани мақсадга мувофиқдир. Хусусан, сўнгги 8 йилда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари соҳасига 27,5 триллион сўм йўналтирилди. Ушбу маблағлар эвазига 3 627 та иншоот, 40,6 минг км тармоқ қурилиб, фойдаланишга топширилди. 7,7 миллион аҳоли илк мартаба ичимлик суви билан таъминланди. 11,5 миллион истеъмолчининг сув таъминоти яхшиланди, 1,1 миллион аҳоли оқова тизимига уланди.

Бу ҳақида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Ўзсувтаъминот” АЖ раҳбарияти ҳамда мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Анжуманда сув таъминотида йирик инфратузилмавий лойиҳалар амалиётга татбиқ қилинаётгани алоҳида таъкидланди. “Тўпаланг” сув омборида амалга оширилган

лойиҳа доирасида Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида, Зарафшон дарёси ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали Дўстлик, Пахтакор, Мирзаҷўл туманлари ва Жиззах шаҳрида сув таъминоти ҳамда сифати сезиларли яхшилангани бунга мисол.

– Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида “Оқсув-Деҳқонобод” лойиҳаси доирасида илк бор 76 минг нафар аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланди, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Комилбек Юсупов. – Туманда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 1,8 фоиздан 51,7 фоизга кўтарилди. Шу билан бирга, Тошкент вилоятида “Қодирия” сув иншоотини реконструкция қилиш орқали 8 минг аҳоли илк мартаба ичимлик сувидан баҳраманд бўлиб, қўшимча 265 минг истеъмолчи таъминоти барқарорлашди. Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларида жами 275 минг нафар аҳолининг тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммоси барҳам топди.

Анжуманда ичимлик суви таъминотида замонавий бошқарув ва назорат тизимларини жорий этиш орқали хизматлар сифати оширилаётгани айтиб ўтилди. “UzWater”, геоинформацион (GIS), SCADA, “Water Lab” каби тизимлар шулар жумласидан. Бугунги кунга қадар 38 та йирик сув иншооти тўлиқ рақамлаштирилиб, реал вақт режимида назорат қилинмоқда.

Маълумот учун, геоинформацион тизими (GIS) орқали иншоотлар ва



тармоқлар харитаси яратилмоқда. Бугунгача Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Нурафшон ва Оҳангарон шаҳарларида тўлиқ, Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Янгиер шаҳарларида қисман геоахборот тизимлари базаси шакллантирилди. Ҳозирда бу тизим Наманган ва Хоразм вилоятларида ҳам йўлга қўйилмоқда. SCADA тизими орқали эса сув иншоотлари устидан масофавий мониторинг ва автоматлаштирилган бошқарув имкониятлари юзага келди. Тизим Тошкент, Бухоро ва Жиззах вилоятларида фаол жорий қилинмоқда.

– Халқаро ҳамкорлик доирасида Франциянинг “SUEZ” компанияси билан биргаликда Сурхондарё вилоятида икки босқичли лойиҳа амалга оширилмоқда, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ Ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов. – Бу билан аҳолининг ичимлик

суви билан таъминланиш даражасини 90 фоизгача етказиш режалаштирилган. Қолаверса, жорий йил давомида ичимлик суви ва оқова хизматларини кенгайтириш учун 7 триллион сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилиши белгиланган.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда 125 миллион долларга тенг лойиҳа асосида 4 минг 838 та ультратовушли ҳисоблагич ва 2 861 та маълумот узатиш ускунаси ўрнатилади, 80 минг километрга яқин ичимлик ва оқова тармоқлари рақамлаштирилади, 12,7 мингта иншоот геоахборот тизимига киритилади, 15 та маълумотлар маркази ташкил этилади. Натижада сув тармоқлари устидан шаффоф назорат тизими яратилади, сув йўқотишлари 5 фоизгача қисқаради.

“Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан экологик ташаббус доирасида

Бирлашган Араб Амирликларининг “Enviro1” компанияси билан 50 миллион долларлик келишув ҳам имзоланган. Унга кўра, Тошкент шаҳридаги умумий овқатланиш муассасаларида ёғ тутқич ускуналар ўрнатилиб, тўпланган чиқинди ёғлар махсус қайта ишлаш завоидига етказилади. Ушбу ёғлардан кирсовун ва ёқилғи-мойлаш материаллари ишлаб чиқарилади. Бу ташаббус орқали нафақат экологик хавфсизлик ошади, балки оқова сув тозалаш иншоотларининг юкламаси камаяди.

Мамлакатимизда сув инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги ислохотлар аҳолининг ҳаёт сифати ва саломатлигини таъминлаш, экологик хавфсизликни ошириш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётга хизмат қилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Biznesni Rivojlantirish Banki

9 may

Xotira va qadrlash kuni

Tezkor o'tkazmalar, ishonchli yechimlar

200 dan ortiq mamlakatlarda pul o'tkazishning kafolati va xavfsizligi. BRB banki orqali AQSh dollarlari, yevro va Rossiya rubllarida pul yuboring va oling.

MUASSIS:		O'zbekiston Ovozi		Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA		Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.	
		TAHRIR HAY'ATI:		MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3		Navbatchi: Ravshan SHODIYEV	
Ulug'bek INOYATOV		Gulliston ANNAQILICHEVA		Телефонлар: (71) 239-12-14		Г — 537. 1666 nusxada bosildi.	
Ulug'bek VAFOYEV		Muslihiddin MUHIDDINOV		E-mail: uzbovozi@mail.ru		Nashr ko'rsatkichi — 220.	
Maqsuda VORISOVA		Olim RAVSHANOV		«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.		O'za yakuni —	
Qalandar ABDURAHMONOV		Toshtemir XUDOYQULOV		Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.		Topshirilgan vaqti — 00:00	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI				Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.		1 2 3 4 5 6	
				Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.		Sotuvda kelishilgan narxda	